

49878-сонли пудрат шартномаси

«24» сентябрь 2022 йил.

Зомин ирригация тизими бошқармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан **Бюджет** асосида фаолият юритувчи раҳбари **Б.Рахматов** ва " **ЧП G'ALLAOROL " ХОТК** кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан **Низом** асосида фаолият юритувчи раҳбари **М.Каракулов** мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

ЛОТ: № 22110012163606

1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

Жиззах вилояти Зомин ирригация тизими тасарруфидаги ДМ-1 каналининг ПК 320+00 дан ПК 704+00 лар оралигидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш ишлари

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил «24» октябрга қадар пудратчига зарурий лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30 % аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 15 кун ичида амалга оширади.

1.5. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

1.6. Ишларни бажариш муддати 30% олдин аванс маблағи “Пудратчи” нинг ҳисоб рақамига келиб тушган кундан бошлаб 15 кун муддат ичида бажарилиши лозим.

6. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 % миқдорига бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

6.2 Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблаш ишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

3.4. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига муносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарк доирасида тўлаши ҳам шарт.

8. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **153 289 474** (бир юз эллик уч миллион икки юз саксон туккиз минг тўрт юз етмиш тўрт) сўмни ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

9. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик қоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

9.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

10. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

11. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

12. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ҳазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар буйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

13. Яқуний қоидалар

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3 Шартномага илова _____

11 Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

" ЧП G'ALLAOROL " ХҚТК

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил .Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани

Тел./факс 94-576-85-51

х/р: 2020 8000 0041 1720 2001

Банк номи: Ипотека банк Жиззах вилояти филиали.

МФО: 00122

СТИР: 203 605 228

«Буюртмачи»

Зомин ирригация тизими бошқармаси

(буюртмачи номи)

Манзил: Зарбдор т.Бўстон ш.Наврўз МФЙ

Х.Олимжон кўчаси

Тел./факс: 72-512-15-73

ШҒХ* 100021860082217042402170001

Ташкилотнинг СТИРи: 305937729

Ғазначилик бўлинмасининг номи

Жиззах вилояти бўйича бўйича Ғазначилик бўлинмаси

ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг

Тошкент шаҳар Бош бошқармаси

Ғисоб-китоб-касса маркази (ХҚКМ)

МФО: 00 014

Ғазначилик бўлинмасининг

СТИРи: 201 122 919

Рахбар: директор М.Каракулов
(лавозим) (Ф.И.Ш)



Рахбар: бошқарма бошлиғи Б.Рахматов
(лавозим) (Ф.И.Ш)



Юрист хулосаси: Ушбу шартнома “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида”ги қонунга мос равишда тузилган

Ғуқуқшунос:

(имзо)

Д.Каримов

(Ф.И.Ш)

49878.

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 163606 на приобретение Зомин ирригация тизими бошкармаси тасаруфидаги ДМ-1 канали ПК 320+00дан ПК 704+00 лар оралигидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 20.10.2022

Время рассмотрения 20.10.2022 16:04

Закупочная комиссия Зомин ирригация тизими бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XOLBEKOV ELMUROD BARLIBOYEVICH	ИТваГИФ булими бошлиги	Зомин ирригация тизими бошкармаси
Секретарь комиссии	XADJABEKOV BAXROM URALBEKOVICH	МТТ буйича мухандис	Зомин ирригация тизими бошкармаси
Член комиссии	DJURABOYEV MASHRAB URISHBOYEVICH	СРБ булими бошлиги	Зомин ирригация тизими бошкармаси
Член комиссии	BEGIMKULOV NORBЕК OLISHBOY O'G'LI	Таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва мониторинг килиш шубаси булим бошлиги	Зомин ирригация тизими бошкармаси
Член комиссии	XALIKULOV FARXOD BURXON ULI	Молия хужалик булими бош хисобчиси	Зомин ирригация тизими бошкармаси
Член комиссии	NURMATOV NEMAT NURBAYEVICH	Бош механик	Зомин ирригация тизими бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.10.2022 года № лота 163606.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по текущему ремонту сооружений
Подробное описание	Зомин ирригация тизими тасаруфидаги ДМ-1 каналнинг ПК 320+00 дан ПК 704+00 гача оралигидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	153 289 474.00
Стартовая сумма	153 289 474.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OUS-MAXBUILDING MCHJ	25	Ходимлар маълумоти	20	Экспертная		
ЧП G'ALLAOROL XUSUSIY QURILISH-TA'MIRLASH	25	Ходимлар маълумоти тақдим қилинмоқда	25	Экспертная		
GIDROSTROY YUG MCHJ	25	Корхонамизда етарли ишчилар ва мутахасислар мавжуд	5	Экспертная		

Критерий №2 Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий ҳолати тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий ҳолати тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OUS-MAXBUILDING MCHJ	20	баланс ва молиявий натижа	10	Экспертная		
ЧП G'ALLAOROL XUSUSIY QURILISH-TA'MIRLASH	20	баланс, молиявий натижа ва банк айланмасидан қўчирма тақдим этилмоқда	18	Экспертная		
GIDROSTROY YUG MCHJ	20	Маблагигимиз етарли	10	Экспертная		

Критерий №3 Танловда иштирок этадиган корхонанинг бажарган ишлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг бажарган ишлари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OUS-MAXBUILDING MCHJ	20	бажарилган ишлар	18	Экспертная		
ЧП G'ALLAOROL XUSUSIY QURILISH-TA'MIRLASH	20	бажарилган ишлар маълумоти тақдим қилинди	20	Экспертная		
GIDROSTROY YUG	20	Сифатли	18	Экспертная		

OUS-MAXBUILDING MCHJ	153 289 474.00	153 289 474.00 UZS	153 289 474.00	00.00	153 289 474.00	20.10.2022 11:10:49	4.34783
GIDROSTROY YUG MCHJ	153 289 474.00	133 295 195.00 UZS	133 295 195.00	00.00	133 295 195.00	20.10.2022 14:53:05	5
ЧП G'ALLAOROL XUSUSIY QURILISH-TA'MIRLASH	153 289 474.00	153 289 474.00 UZS	153 289 474.00	00.00	153 289 474.00	20.10.2022 11:23:55	4.34783

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
OUS-MAXBUILDING MCHJ	74.1	4.34783	78.44783
GIDROSTROY YUG MCHJ	57.95	5	62.95
ЧП G'ALLAOROL XUSUSIY QURILISH-TA'MIRLASH	93.1	4.34783	97.44783

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 163606 от 20.10.2022 года на приобретение Зомин ирригация тизими бошкармаси тассаруфидаги ДМ-1 канали ПК 320+00дан ПК 704+00 лар оралиғидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

ЧП G'ALLAOROL XUSUSIY QURILISH-TA'MIRLASH
203605228

и резервный исполнитель: OUS-MAXBUILDING MCHJ (306550356)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XOLBEKOV ELMUROD BARLIBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	DJURABOYEV MASHRAB URISHBOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	BEGIMKULOV NORBEK OLISHBOY O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	XALIKULOV FARXOD BURXON ULI	Согласен	
Член комиссии	NURMATOV NEMAT NURBAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



Б.Рахматов
 2022 йил

«Зомин ирригация тизими» бошқармаси учун бюджет маблағлари ҳисобидан товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 08

2022 йил «24» октябрь

Бустон шаҳарчаси

«Зомин ирригация тизими» бошқармаси бошлиғи Б.Рахматов,
 (Бюджет ташкилоти номи, раҳбари, раҳбар И.Ф.О.)

2022 йил «19» августдаги № 40-И/Ч -сонли буйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

Қатнашдилар: КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

- | | |
|--------------|---|
| Э.Холбеков | - ИТ ва ГИФ булим бошлиғи |
| Н.Нурматов | - Бош механик |
| Ф.Халикулов | - Бош ҳисобчи |
| М.Джурабоев | - СРБ булим бошлиғи |
| Н.Бегимкулов | - ТИТЭ ва мониторинг қилиш шубба булими |

Қун тартиби:

Зомин ИТБ махсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилиш (бажариш) бўйича махсус ахборт порталига 20.10.2022 йилда соат 16:04 да № 163606- сонли Жиззах вилояти Зомин ирригация тизими тасарруфидаги ДМ-1 каналининг ПК 320+00 дан ПК 704+00 лар оралигидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш хизмати бўйича ўтказилган электрон танлов мажлиси баёни юзасидан келиб тушган эътирозлар бўйича.

Зомин ИТБ учун товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш (бажариш) бўйича иштирок этган даъвогар ташкилотлар ва уларга қўйилган умумий баллар

№	Товар (иш, хизмат) нинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони (миқдори)	OUS-MAXBULDING MCHJ		GIDROSTROY YUG MCHJ		«G'ALLAOROL» XQTK	
				Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл
1	Жиззах вилояти Зомин ирригация тизими тасарруфидаги ДМ-1 каналининг ПК 320+00 дан ПК 704+00 лар оралигидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш хизмати	Хизмат	1	153 289 474	78.4	133 295 195	62.9	153 289 474	97.4
	Жами	x	x	153 289 474	78.4	133 295 195	62.9	153 289 474	97.4

Талабгорлар томонидан 20.10.2022 йилда № 163606-сонли Жиззах вилояти Зомин ирригация тизими тасарруфидаги ДМ-1 каналининг ПК 320+00 дан ПК 704+00 лар оралигидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш хизмати бўйича ўтказилган электрон танлов мажлиси баёни юзасидан 24.10.2022 йил соат 16:04 га қадар ҳеч қанақа ёзма ёки оғзаки эътироз ёки мунозаралар келиб тушмади.

Комиссия Жиззах вилояти Зомин ирригация тизими тасарруфидаги ДМ-1 каналининг ПК 320+00 дан ПК 704+00 лар оралигидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш хизмати учун ўтказилган электрон танлов бўйича

Қарор қилади:

Жиззах вилояти Зомин ирригация тизими тасарруфидаги ДМ-1 каналининг ПК 320+00 дан ПК 704+00 лар оралигидаги гидротехник иншоотларни жорий таъмирлаш хизмати ишлари учун электрон тарзда ўтказилган танловда жами 97.4 балл билан ғолиб бўлган «G'ALLAOROL» ХQTK билан шартнома имзоланиб. Ҳазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилсин.

- Э.Холбеков
 (И.Ф.О.)
 Н.Нурматов
 (И.Ф.О.)
 Ф.Халикулов
 (И.Ф.О.)
 М.Джурабоев
 (И.Ф.О.)
 Н.Бегимкулов
 (И.Ф.О.)